

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

ҚУРЬОН МАЪНОЛАРИНИ ТАРЖИМА ВА ТАФСИР ҚИЛИШ УСТУВОР ВАЗИФА

Ш.Бауатдинов – магистрант

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Таянч сўзлар: Қуръон, таржима, таржимон, тафсир, маъно, услуб, ҳадис, луғат, тил, алоқа, арабча, асар, манба, матн, мазмун, дин.

Ключевые слова: Коран, перевод, переводчик, интерпретация, объяснение, смысл, стиль, хадис, словарь, язык, ссылка, арабский, работа, источник, текст, содержание, религия.

Key words: Koran, transfer, translator, interpretation, explanation, meaning, style, hadith, vocabulary, language, link, Arabic, work, a source, text, content, religion.

Таржима инсоният фаолиятининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, у туфайли биз инсоният тараққиёти тарихини барча тафсилотлари билан очик-ойдин тасаввур этамиз. Таржима халқлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик манфаатларига, улар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилувчи қудратли қурол ва қалқондир. Таржима турли халқлар адабиётларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири жараёнини тезлаштиради. Таржимавий асарлар туфайли китобхонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўладилар, уларнинг эстетик туйғулари ошади, дидлари ўсади, уларда гўзал нарсалар ҳақида тушунчалар ҳосил бўлади. Бу мақсадларга эришишда таржима ва тафсир муҳим аҳамият касб этади.

“Таржима” сўзи луғатда “(бир тилдан иккинчи тилга) таржима; изоҳлаш, шарҳлаш, тушунтириб бериш, талқин қилиш, очиш, ифодалаш, ифода қилиш, айтиш, билдириш, баён қилиш, кўрсатиш;” маъноларини англатади [1]. Истелоҳда эса, “Бир тилдаги матнни бошқа тилда қайта яратишдан иборат адабий ижод тури” ёки “Бир тилдаги матнни бошқа тилга оғзаки ёки ёзма ҳолда ағдариш, ўгириш” деган маъноларни билдиради [2].

“Тафсир” сўзи луғатда “изоҳ, изоҳлаш, тушунтириш, тафтиш, шарҳ, комментарий, матннинг маъносини очиш” маъноларини англатади [3]. Истелоҳда эса, “Бирор гап, воқеа-ҳодиса, матн ва шу кабиларга берилган мукамал изоҳ, шарҳ, тушунтириш” ёки “Қуръоннинг мадрасаларда алоҳида фан сифатида ўрганиладиган муфассал шарҳи”, деган маъноларни билдиради [4].

Таржима борасида сўз кетганда, албатта, диний манба ва адабиётларни таржима қилиш билан боғлиқ услуб ва ҳаттоки шаръий ҳукмлар ҳам эътибор марказига чиқади. Зеро, дин инсон ҳаётининг дастури ва ҳис туйғулари масдаридир.

Юртимизда Ислом динига эътикод қилувчилар сони кўпчилик (94%)ни ташкил қилади. Шундай экан таржима борасида, айнан Ислом динига оид араб тилидаги манба ва маълумотларни таржима қилиш мажбурияти сезиларли даражада ўрин эгаллайди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев мана шу маънода ўз нутқларида фикр билдирган эди: “Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар таёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аجدодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътикод руҳида тарбиялашда диний таълим муассасалари таянч бўлиб хизмат қилади. Кунни кеча Имом Бухорий бобомиз ёдгорлик мажмуасида бўлганимда бу масаланинг нақадар муҳим долзарб эканини айниқса чуқур ҳис этдим [5].

Шу ўрнида араб тилидаги манба ва адабиётларни таржима қилишда таржима назарияси ва араб тилини чуқур ўрганиш ва шу билан бирга диний илмларни ҳам яхши билиш ва уларга амал қилиш зарур эканлигини яна бир бор таъкидлаймиз. Чунки барча тиллар қатори араб тилининг ҳам маъно мазмунини англаш учун такводор бўлиш, уни таржима қилиш жараёнида ақлни ишлатиш қаттиқ талаб қилинади. Бу ҳақида Аллоҳ

таоло шундай деган: “Албатта, Биз уни сизлар англашингиз учун араб тилидаги Қуръон қилдик”.

Маълумки, Исломнинг бош манбаи муқаддас Қуръони Карим араб тилида нозил бўлган. Қуръони Каримдек ҳар бир лафзи, ибораси, жумласи ва ояти ҳамда уларнинг маънолари илоҳий мўъжиза бўлган китоб учун алоҳида хусусиятларга эга тил керак эди. Ана ўша тил–араб тили эди. Қуръони Карим нозил бўлгандан ҳозирги лаҳзагача барча илмий баҳсларда Аллоҳнинг охириги ва мукамал каломининг баёни учун фақатгина араб тили муносиб тил экани қайта-қайта таъкидланмоқда. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ҳам араб тилида гапирганлар. Араб тили мукамалликда тенгсиз эканига шак йўқ. Бу тил асрлар давомида шу даражада такомиллашган асосга эга бўлдики, илоҳий ҳикмат натижаси ўларок, лисоний тизимдаги энг кичик ўзгаришгача ҳар бир ҳолат учун муайян қонуният, аниқ қоида ишлаб чиқилди. Араб тилида қоидага бўйинсунмайдиган ҳолат йўқ. Ҳар бир ўзгаришнинг асоси, тегишли изоҳи бор. Аслида араб тилини ўрганишнинг қийинлигию осонлиги ҳам шунда. Зеро, диннинг асли битилган тилни билиш – таржима жараёнида муқаррар равишда йўқотиладиган маъноларни асл ҳолича сақлаб қолиш, илоҳий ҳикматларни пайғамбарлар (алайҳимус салом) нинг тилларида қандай айтилган бўлса, шундайлигича ўрганиш ва уларни авлоддан-авлодга етказиб беришга имкон беради.

Араб тилининг энг улугъ фазилатларидан бири унинг Қуръон тили эканлигидир. Ҳофиз ибн Касир розияллоху анху шундай дейдилар: “Араб тили инсон тафаккурида пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай маънони баён эта олувчи тушунарли, энг фасоҳатли, энг балоғатли тилдир. Шунинг учун ҳам энг мўтабар китоб энг мўтабар пайғамбарга энг мўтабар фаришта орқали ер юзининг энг мўтабар жойига йилнинг энг мўтабар ойида – Рамазонда энг мўтабар тилда – араб тилида нозил бўлган”.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: “**Яхшиларингиз Қуръонни ўрганган ва уни ўргатганларингиздир**” деб марҳамат қилганлар. Қуръони Каримни ўрганиш эса аввало, араб тилини ўрганиш билан бўлади... [6].

Эндиликда мана шу ҳақиқат олдида ўзимизни муносиб тутиб, жамиятимизда кузатилаётган бидъат-хурофотларни бартараф қилиш барчамизнинг олий бурчимиздир. Шуни назарда тутилса, ҳозирги глобаллашув замонида юз бераётган турли хил диний-ақидавий хуружлар ва бузғунчи ғоялардан сақланиш ва бу борада аجدодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган бой илмий мерослар билан яқиндан танишиш, уларни чуқур ўрганиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев: “Элимизга ислом динини тўғри тараннум этиш – жуда катта тарбия [7]” дея билдирган фикрларида мана шу вазифанинг нақадар устувор масала эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.

Албатта, араб тилидаги манба ва адабиётларни таржима қилишда, энг биринчи навбатта Ислом динининг асосий манбалари бўлган Қуръони Карим ва

Ҳадиси шарифларни таржима қилиш масаласи долзарблиги билан аҳамиятли саналади.

Ислом дини манбаларининг асоси бу сўзсиз Қуръондир. Унинг маъноларини таржима қилиш бошқа ҳар қандай таржима олдида масъулияти ва мураккаблиги билан анчагина фарқ қилади. Зеро, Қуръон таржимаси бу Қуръон бўлмайдиган. Чунки, “Қуръон Аллоҳ таолонинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга араб тилида, ваҳий орқали нозил қилинган, тавотир ила нақл қилинган, ибодатда ўқиладиган, ожиз қолдирувчи каломдир. Қуръони Каримнинг ҳар бир ояти, ҳар бир сураси ҳам лафз жиҳатидан, ҳам маъно жиҳатидан, ҳам аҳқому ахбор жиҳатидан кишиларни ожиз қолдирувчидир. Яъни, инсонлар ҳар қанча уринсалар ҳам унга ўхшаш нарсани ижод қила олмайдилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг ўзида одамларни, агар қодир бўлсалар, Қуръони Каримга ўхшаш нарса келтиришга чақирган. Одамлар ҳар қанча уринмасинлар, бу ишнинг уйдасидан чиқа олмаганлар ва чиқа олмаяптилар ҳам. Зотан, Қуръони Каримнинг мўъжизакорлиги ҳам унинг ерда, одамлар ичида туриб, бошқалардан устун бўлишидадир ва бошқа китоблар сингари бузулиб кетмаганидадир” [8].

Унинг ожиз қолдирувчилик хусусияти араб тилида ўз асл ҳолида қолади. Зеро, таржимон таржима жараёнида ўз фикр мулоҳазаси билан ёндашгани ҳолида, унинг маъносини бир томонга тортади ва бошқа ботиний маъноларини йўқотиб қўяди. Ибодатда ўқилиш шартини ҳам фақат араб тилидаги Қуръонга хосдир. Қуръон мусхафларда ёзилган, қалбларда ёдланган, тилларда ўқилган ва

Адабиётлар

1. Одилжон Носиров ва Муҳаммад Юсупов. “Ан-наъйм ул-кабир” (*арабча-ўзбекча луғат*). –Наманган: 2014. 75-б.
2. Мадвалиев А. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 3-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. –Тошкент: 2007. 680-б.
3. Одилжон Носиров ва Муҳаммад Юсупов. “Ан-наъйм ул-кабир” (*арабча-ўзбекча луғат*) –Наманган: 2014. 519-б.
4. Мадвалиев А. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 4-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. –Тошкент: 2007. 13-14-б.
5. www.daryo.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилояти Пешку туманида вилоят фаоллари ва мутасадди раҳбарлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишдаги нутқидан. 17.02.2018й.
6. www.hikmet.uz Нукус шаҳар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўрта махсус ислом билим юрти араб тили ўқитувчиси Ж.Ишбаев мақоласи. 1-б.
7. www.daryo.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кино саноатини ривожлантириш ва соҳани тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқидан. 30.12.2017 й. Мазкур йиғилишда юртбошимиз: “Имом Бухорий, Термизий каби бобокалонларимиз ҳақида филмлар ишланмаётганлиги кўнгилми оғритади”- дея таъкидлаган эдилар.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 30 жуз Қуръони фазилатлари. –Тошкент: 2007. 8-11-б.
9. Одилжон Носиров ва Муҳаммад Юсупов. “Ан-наъйм ул-кабир” (*арабча-ўзбекча луғат*) –Наманган: 2014. 75-43-б. Ғайриоддий, ғоят гўзал, чиройли сўзлаш – каломдаги ибжоздир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, тафсир ва таржимон масъулияти, айниқса, Қуръони карим маъноларини таржима ва тафсир қилишдаги ўзига хос хусусиятлар ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

Статья содержит информацию об особенностях перевода, с одного языка на другой передаче содержания Корана при переводе и особенностях интерпретации.

SUMMARY

The article contains information about the peculiarities of translation, from one language into another translation of the content of Koran and peculiarities of interpretation.

КАРАКАЛПАКСКИЕ СВАДЕБНЫЕ ПЕСНИ «СЫҢСЫҰ» В КОНТЕКСТЕ ОБРЯДОВ

Б.Бекжанова – старший преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: этнография, тўй маросимлари, кизни узатиш, «Қиз ўтириш маросими», тўй маросими фольклори, («Сыңсыұ») кўшиқлари, келиннинг хайрлашиш маросими.

Ключевые слова: этнография, свадебные обряды и обычаи, проводы невесты, «Қыз отырыспа»–девичьи посиделки, свадебно-обрядовый фольклор, песни причитания – («Сыңсыұ»), прощание невесты.

Key words: ethnography, wedding rituals and customs, seeing of the bride, “Maidens’ party”, wedding ceremonial folklore, lamenting songs – (“Singsiw”) farewell of the bride.

Каракалпакская свадьба представляет собой не произвольный набор песен и обрядовых действий. Без обрядового фольклора и народных песен не проводился ни один праздничный каракалпак. Существовала древняя традиция распевания свадебных песен «сыңсыұ», которые, исполнялись во время свадебных торжеств по по-

воду проводов невесты. Свадебная обрядовая песня «сыңсыұ» – занимает особое и важное место в каракалпакской свадьбе. Они способствуют изучению обычаев, обрядов и традиций каракалпакского народа, служат неисчерпаемой кладью для исследования истории каракалпакского народа» [1:319]. Каракалпакские тради-